Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1999 йил 27 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 85 (7178)

Da'vat

Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Ibrat

Навоий вилоятида сўнгги пайтларда 8 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни дамда вилоятнинг Янгитомди, Учқудуқ туманлари ва Зарафшон шаҳрида ҳам худди шундай кўпқаватли, замонавий мактаблар қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кам сонли миллатлар иши бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стулни қабул қилди.

• Давлатга пахта топшириш бўйича йиллик шартнома режасини бажарган самарқандлик деҳқонларга, меҳнаткашларга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов мамнуният билан мактуб йўллаб, самимий тилаклар билдирди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича иккинчи Халқаро турнир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Халқаро кураш ассоциациясининг фахрий Президенти Ислом Каримовга ўз имкониятларини тўлиқ намоён этишлари учун яратилаётган шарт-шароит учун миннатдорчилик мактубини йўллашди.

• Халқ маслаҳат конгрессининг 691 нафар аъзоларидан 373 тасининг овозига эга бўлган ва Индонезия президенти лавозимига сайланган Абдураҳмон Воҳид мамлакатда ўтган йили бошланган ўзини-ўзи тозалаш жараёнини давом эттиришни ҳамда демократик ислоҳотларни тезроқ ўтказишни ваъда қилмоқда.

• Халқаро меҳнат ташкилоти ўз ҳисоботида Африка қитъасида ОИТС кенг тарқалганлиги (Жанубий Африка Республикасида айни пайтда 3.8 миллион киши шу касалликка чалинган) сабабли ишчи кучи тобора камайиб бораётганлигини қайд этди.

САЙЛОВЧИ ЎЗ НОМЗОДИНИ САЙЛОВГАЧА ТАНЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳамда Олий Мажлис депутатлигига сайловлар ўтказиш куни белгиланганидан буён ўтган муддатда кечаётган сайловолди жараёнлари қизғин паллага кирди. Депутатликка номзодлар кўрсатиш, номзодларни рўйхатга олиш ишлари ниҳояланиб, сайловолди ташвиқоти, ишончли вакилларни тайинлаш, қисқаси, номзодларнинг сайловчилар билан учрашиш жараёнлари бошланиш арафасида.

Сайловолди ташвиқоти ва унда ишончли вакилларнинг иштирокини таъминлашдан мақсад нима? Гап шундаки, сайловчиларга номзодлар ичидан ўзига маъқул, орзуистакларига монанд, ишончга лойиқ бўлганларини танлашдек бетакрор имкониятни яратиб бериш асосий мақсад. Номзодлар ўз сайловчилари билан йиғилишларда ёки сайловчиларга қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишлари мумкин. Учрашувларда номзодлар ўзининг ҳаракат дастури, уни рўёбга чиқариш режалари билан сайловчиларни таништиради. Бундай учрашувлар ва сайловчилар билан мулоқотда бўлиш имкониятларидан фойдаланишда номзодларга тенг ҳуқуқлар берилади. Шунингдек, сайловлар тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситалари (ОАВ)дан фойдаланишда тенг шароитлар яратилади. Ишончли вакиллар эса, номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Демак, бу ҳаракатларнинг моҳияти номзоднинг сайловгача вақтда сайловчилар ичига кириб бориши, ўз фикри, ғояси, қарашлари ва интилишлари билан барчани таништириши, хуллас, сайловчи ишончини қозониш учун курашишидан иборат. Бу сайловчига ўз номзодини сайловгача танлаш, сайлов куни эса, онгли равишда ўз номзодига овоз бериш имкониятини вужудга келтиради.

Галдаги вазифа сайловолди ташвиқоти жараёнларини қонунда белгиланган тартибда, халқимизга хос бўлган одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида самимий ўтказишдан иборат.

Фахриддин КАРИМОВ



Назарий билимларнинг амалиёт, тажриба билан қўшиб олиб борилиши самаралар сари элтади. Буни чуқур ҳис қилган Тошкент шаҳридаги 76-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Дилфуза Муҳамадёровонинг дарсларидан лаборатория тажрибалари, тест синовлари, кўргазмали қўлланмалар, фикр алмашишлар мустаҳкам ўрин олган.

Суратда: 1-тоифали ўқитувчи Д.Муҳамадёрова дарс пайтида.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ПРИНЦИПЛАРИ

Янгиланаётган таълим тизимида якуний натижа, хоҳлаймизми-йўқми, бевосита таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган ўқитувчи меҳнатининг қандай ташкил этилишига бориб тақалаверади. Таълим зиммасига қўйилаётган улкан вазифалар эса таълим беришга муносабатни, ёндашувни ўзгартиришни тақозо этмоқда. Газетамизда айнан шу муносабат ва ёндашувни ўзида мужассам этиши лозим бўлган янги педагогик технология хусусида бир қанча мақолалар эълон қилинди. Қуйидаги олтинчи мақола ҳам шулар сирасига киради. Бироқ ҳозирдаги ислоҳотлар жадаллиги мавжуд назарияни тезроқ амалиётга татбиқ этишни талаб этади. Шу боис Сиз, ижодкор ўқитувчилардан шу борада олиб бораётган амалий ишларингиз акс этган мақолалар кутамиз.

Янги технологияларни лойиҳалаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар педагогик технология (ПТ)нинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, уларни ПТ принциплари, деб аташ мумкин.

Принцип- юнонча «principium» сўзидан олинган бўлиб, асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади. Дидактикада олимлар принципларни турлича талқин қилишади: педагогик ҳолатни йўлга соладиган дидактик ҳолатлар, тавсиялар (В.И.Загвязинский, Л.И.Гриценко), ўқитишнинг меъёрий асослари (М.А.Данилов), дидактик мақсадга эришиш усуллари (И.Я.Лернер) ва ҳоказо.

Биз педагогик технология принциплари деганда лойиҳаланган ўқув-тарбиявий жараённи амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар ва талабларни тушунамиз. Демак, у ёки бу педагогик ҳодиса принцип бўлиши мумкин, қачонки уни ўқув жараёнида ҳисобга олиш (риоя қилиш) зарур бўлса, яъни унга таянилса.

Олиб борилган таҳлилий-синтетик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ПТ принциплари дидактик принциплардан тубдан фарқ қилади ва ўзида муҳим сифат кўрсаткичларини мужассамлаштиради. Дарвоқе таълимнинг тарихий ривожланиш босқичларида ўқув-тарбиявий жараённи амалга оширадиган ПТ мавжуд бўлганми ёки бу феномен бугун пайдо бўлдими?

(Давоми 2-3-бетларда)

МУКОФОТГА – 200000 СЎМ

«Yil maktabi - 99»

Бу йил Самарқанд вилоятида «Йил мактаби–99» кўрик-танлови ўзига хос тарзда ўтди. Гап шундаки, даставвал вилоят «Йил мактаби–99» кўрик-танловини ўтказиш, ғолибларни аниқлаш бўйича халқ таълими бошқармасининг 12 кишидан иборат комиссия таркиби ва уни ўтказиш Низоми ҳамда ғолиб мактабларни баҳолаш мезонлари тасдиқланган эди.

Танловга тайёргарлик жараёнида мактаб биноларини, синф хоналарини қисман таъмирланди, мактабларнинг ички ва ташқи қисмлари қўшимча жиҳозланди, ҳовлилари ва ер майдонларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳар бир мактабда ўқув-тарбия жараёнида эришилган ютуқлар, амалга оширилган ободонлаштириш, таъмир ишлари, жиҳозланиши видеотасмаларга туширилиб, фотоальбом шаклида умумлаштирилиб, туман ҳокимлиги қошидаги комиссияларга тақдим этилди.

Туман «Йил мактаби–99» кўрик-танловини ўтказиш комиссиясининг хулосалари, туман халқ таълими бўлимлари кенгашларида кўриб чиқилиб, ҳар бир тумандан биттадан ғолиб мактаблар аниқланди.

Вилоят «Йил мактаби–99» кўрик-танловини ўтказиш комиссиясининг хулосалари халқ таълими бошқармасининг ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиниб, шаҳар мактабларидан Каттақўрғон шаҳридан 3-мактаб, Самарқанд шаҳридан Сиёб туманидаги 21-мактаб, Боғишамол туманидаги 37-мактаб, қишлоқ мактабларидан Пойариқ туманидаги 3-мактаб, Самарқанд туманидаги 50-мактаб, Каттақўрғон туманидаги 54-мактаблар ғолиблар рўйхатига киритилди.

Бошқарманинг ушбу қарори вилоят ҳокимлигига тақдим этилди. Вилоят ҳокимлигининг махсус комиссияси ушбу қарор асосида ғолибликка даъвогарлик қилаётган мактабларни яна бир бор кўриб чиқиб, Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги 21-мактабни, Каттақўрғон туманидаги 54-мактабни ва Пойариқ туманидаги 3-мактабни ғолиб деб топди. Қувонарлиси, вилоят ҳокими Эркин Рўзиев «Йил мактаби–99» кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаган Сиёб туманидаги 21-мактабга 200000 сўм, Каттақўрғон туманидаги 54-мактабга 150000 сўм, Пойариқ туманидаги 3-мактабга 100000 сўм пул мукофотини топширди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

Ўқитувчи ёғ дафтарига

АНТИҚА ҲОСИЛ

Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигида яшовчи Тўйчи Толипов томорқасида Голландиядан келтирилган бодрингни патисон билан чатиштириш натижасида узунлиги бир ярим метр бўлган бодринг ҳосилини етиштиришга муваффақ бўлди. Бу хуштаъм бодрингнинг яна бир хусусияти шундаки, агар унинг ярми кесиб олинган тақдирда ҳам, у ўсишда давом этади ва кесилган қисмини тўлдиради.

КОИНОТДАГИ ХАЗИНА

Американинг «Ниар» фазовий қурилмаси илк марта Қуёш системасидаги Эрос деб номланган астероиднинг яқин масофадан мингдан ортиқ суратини олди. Суратлар бу астероидда нодир металлар кўплигини тасдиқламоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, узунлиги 33 км. ва эни 13 км.га тенг бўлган Эросда бир неча миллиард долларлик қимматбаҳо металлар мавжуд.

ДОРИ ИЧМАГАН МАЪҚУЛ

Пенсильвания университети мутахассиси Энтони Кейилс 10 йил давомида уйқусизликдан нолийдиган кишилар ўртасида тадқиқот ишлари олиб бориб, кутилмаган хулосага келди. Маълум бўлишича, уйқу дорисидан мунтазам фойдаланадиган кишилар уйқусизликдан азоб чекса-да, ушбу доридан фойдаланмайдиган кишиларга қараганда янада ёмонроқ ухлашар экан.

ЭНГ БОЙ МАМЛАКАТ

Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозир дунёда энг бой мамлакат Япония ҳисобланади. Мазкур давлат бошқа давлатларга қарз бериш борасида ҳам биринчи бўлиб, жаҳон давлатларининг Япониядан олган қарзи 133 трл. иенни (бир трл. АҚШ доллари) ташкил этади. Япониядан энг катта қарз олган мамлакат эса АҚШдир.

Minbar

ФАОЛЛИККА ЧОРЛОВ

Қамаши тумани марказида жойлашган 3-касб-ҳунар мактаби остонасини ҳатлаб ўтганимиз ҳамоно мактаб радио тармоғи орқали эфирга таралаётган эшиттиришларни тинглаб туришган тўда-тўда талабалар диққатимизни ўзига тортди.

Беихтиёр биз ҳам тўхтаб, мактаб радиоси сухандонларининг айтаётганларига қулоқ тутдик:

- Муҳтарам талабалар, азиз устозлар! Энди «Пайшанба хабарлари» билан танишинг. Уни «Қалдирғоч» мактаб радио тармоғининг сухандони Хуршида Азимова ўқийди...

Кўпчилик қатори биз ҳам 7 дақиқалик «Пайшанба хабарлари»ни тингладик.

Хабарлар бири-биридан долзарб. Унда вилоят, туман ва касб-ҳунар мактаби ҳаётига оид муҳим хабарлар эълон қилинди. Ўқувчилар янгиликлардан хабардор қилинди...

Дарвиш қалбимиз амри билан режамиздаги барча ишларни ортга қўйиб, мактаб радио тармоғи жойлашган хона томон бурилдик.

Мактабда ташкил этилган «Қалдирғоч» радио тармоғи жонкуярлари билан танишдик. Нилуфар Назарова, София Ражабова, Юлдузхон Шамсиддинова, Усмон Бўриевлар мактаб радио тармоғи орқали олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари хусусида гапириб беришди. Амалга оширилаётган ишлардан хурсанд бўлдик.

- Касб-ҳунар мактабимизда айни кунда 403 нафар талаба таълим олади. Уларга 40 нафардан ортиқ устозу муаллимлар илму ҳунар ўргатишади. Радио тармоғи хизматини ўтган ўқув йилида тўлиқ йўлга қўйиб олдик, - дейди касб-ҳунар мактаби директори Тойир Мойлиев. - Энди ҳар бир ишда мактабимиз радио тармоғи бизга мададкор... Рости, радиони ўзим ҳам жуда яхши кўраман. Мактабимиз радио тармоғидан ўзим ҳам тез-тез чиқиб тураман...

Абдували ОБИДДИН



Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга Ватан ҳимояси муқаддас амал эканлигини англатиш ҳамиша шарафли вазифа саналган. Пойтахтдаги 169-мактаб бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси, истеъфодаги зобит Н.Саидов бу юмушни сидқидилдан адо этиб келмоқда.

Суратда: Нахим Саидов ёшлар билан муддатли ҳарбий хизмат ҳақида суҳбат олиб бораётир.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

O'zimizni o'zimiz asraylik!

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Инсон ўзини-ўзи идора қилишни қанчалик идрок этса ва ҳалокат вақтидаги ўз хатти-ҳаракатларини қанчалик эрта ўрганса, натижа ҳам шунчалик самарали бўлади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, тайёргарликни айнан мактаб ёшидан бошлаш керак.

Дунёда ҳалокатлар ва ундан жабрланганлар сони ортиб бораётган ҳозирги шароитда ҳалокатларнинг олдини олиш ва аҳолини бундай вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш масаласи жуда муҳимдир.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида аҳолини хабардор қилиш ва тайёрлаш дастурлари ҳукумат органлари, ташкилотлар, муассасалар ташаббуси билан амалга оширилади. Бу тадбирлар кенг миқёсда аҳолининг ёш ва ижтимоий гуруҳлари бўйича ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси «Аҳоли ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида «Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида, ишлаб чиқариш ва турар-жойларда аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш умумий ва мажбурийдир. Аҳолини ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади» дейилган (18-модда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 7 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги қарорида аҳолининг барча гуруҳларига фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш қоидаларини ва асосий усулларини, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш усулларини, жамоа ва якка тартибда ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш асосий вазифалардан эканлиги таъкидланган.

Ўрта умумтаълим мактабларининг 8—9-синфларида «Инсон муҳофазаси асослари» дастурининг ўқитила бошланиши бу йўлда ташланган дастлабки қадамлардан бири деса бўлади. Бироқ бу фанни «Одам ва унинг саломатлиги», «Умумий биология» ва «Жисмоний тарбия» дастурлари таркибида ўқитиш тавсия этилган. «Фуқаро мудофааси» машғулотларини ўтказиш мақсадида 3-синф ўқувчилари учун 6 соат, 6-синф ўқувчилари учун 8 соат жисмоний тарбия дастуридан вақт ажратилган, холос.

(Давоми 3-бетда)

Tajriba-sinov maydonchalarida

ИМКОНИЯТ ЯРАТИЛАВЕРАДИ

Ўз келажагини буюк дея эътироф этган Ўзбекистон чуқур ислоҳотлар, янгиланиш, ривожланиш даврида турибди. Ва бу ҳол таълим тизимида кечаётган жараёнларда янада яққол кўзга ташланади. Ўтган ўқув йилида умумтаълим мактабларида ўрганиладиган барча фанлар бўйича янги мазмундаги дарсликлар, ўқув қўлланмалари тажриба-синовдан ўтказилди. Йил якунида ҳар бир фан ва йўналишлар бўйича экспертлар, илмий раҳбарлар ва мутахассисларнинг ҳамда муаллифларнинг хулосалари умумлаштирилиб, дарсликларнинг янги авлоди яратилмоқда. Давлат таълим стандартларига мос бўлган ана шу қўлланмалар янги ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилмоқда. Савол туғилиши табиий: ўқувчи автомоделлаштирувчи ёки компьютер мутахассиси ё санъатшунос-адабиётшунос бўлмоқчи. Қобилияти, салоҳияти ва қизиқишлари етарли. Хўш, у мактаб партасини тарк этар чоғида ўз орзусидан ҳам воз кечишга мажбур бўлмайдими?

Айни пайтда қўл урилган ишлар, кутилаётган натижаларга қараб юқоридаги савол ўз ечимини топиш арафасида эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Гап шундаки, шу йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Мактабдан ташқари таълимга хос ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида тажрибасинов майдончаларини ташкил этиш тўғрисида»ги махсус буйруғи чиқарилган эди. Унга кўра ушбу ўқув йилида тўртта асосий — ЭКОЛОГИЯ, ЁШ САЁҲАТЧИ — ЎЛКАШУНОС, ТЕХНИК ҳамда БАДИИЙ ЭСТЕТИК йўналишларда 21 та тажриба-синов майдончалари ташкил этилди. Республикамизнинг турли ҳудудларида ўз фаолиятини бошлаган ушбу мактабдан ташқари таълим муассасалари ўқувчидаги ҳар қандай қизиқишларнинг, интилишларнинг рўёбга чиқишида бетакрор имконият бўла олади.

Ҳозирда синов ишларига малакали тўгарак раҳбарлари, илмий раҳбар ва эксперт мутахассислар жалб қилинган. Шунингдек, барча йўналишлар бўйича тўгарак дастурлари жойларга етказилди. Қолаверса, тажриба-синов ишлари ўтказиладиган таълим муассасаларида етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида таъмирлаш ва жиҳозлаш масалалари ҳал этилди.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятига қаратилаётган эътиборнинг асл моҳиятини ифодалаб беришни сўраганимизда, Халқ таълими вазирлиги Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Жамолиддин Фозилов, жумладан, шундай деди:

—Аввало, ўқувчи ҳаётини мактабдан ташқари таълимсиз қолдириш келажакка масъулиятсизлик билан қараш ҳисобланади. Яъни, ўқувчининг бўш вақти бекорчиликка айланади. Бекорчиликнинг «мева»си нақадар аччиқ бўлишини барчамиз биламиз. Бугун халқимиз баркамол авлод орзусида яшаяпти. Орзунинг ижобати эса, ўз қўлимизда. Агар биз истеъдод, интилиш бор жойга имкониятни ҳам етказиб берсак, болаларимиз қонидаги яратувчанлик ҳислари жўш уравераді. Демоқчиманки, турли касб ва соҳалар сари етаклайдиган тўгараклару клубларимизни туман, шаҳар марказларидан ўқувчилар ҳузурига кўчиришимиз керак. Токи улар кўпроқ имкониятга эга бўлсин. Таъкидлаш жоизки, бугун тажриба-синов олиб борилаётган йўналишлар бўйича тизимимизда етарли моддий техник базага эгамиз. Ана шу базага таяниб болаларимизга тарихимиз, маданиятимиз, маънавий қадриятларимиз, маърифий салоҳиятимиз ҳамда миллий меросимиз ҳақидаги тасаввурларни сингдириш, қолаверса, асли ким эканликларини ғурур билан ҳис этишларига кўмаклашиш фаолиятимиз моҳиятини ташкил этади.

Дарҳақиқат, мактабдан ташқари таълим тизимининг ҳам ниятлари эзгу, халқимиз орзуси билан муштарак. Биз бу йўлда қилинаётган амалий ишларни мунтазам ёритиб боришни режалаштириб қўйдик.

Фахриддин ТУРДИАЛИ ўғли

Пойтахтимиздаги 243-мактаб жамоаси ТошДУ билан илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйганига бир неча ўн йил бўлди. Университет олимлари физика, химия, биология, математика ва информатика фанларидан ўқувчиларга дарс бериб келмоқда. Бу йилги битирувчиларнинг 24 нафари олийгоҳларга қабул қилиниши ҳам ҳамкорлик самарасидир.

Суратда: ТошДУ ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди Эркин Умархонов математика дарсида.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

КЎПЧИЛИГИ ПЕДАГОГЛАРДАН

Маълумки, яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳамда Олий Мажлиси депутатлигига сайловларда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бешта сиёсий партиядан аризалар тушган ва улар сайловларда қатнашиш учун ижозат олган эди. Газетамизнинг ўтган сонларида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Халқ демократик партияси, Адолат социал демократик партияси ҳамда «Ватан тараққиёти» партияларининг навбатдаги Қурултойлари натижалари ҳақида хабар бергандик. Темурийлар тарихи Давлат музейида Миллий тикланиш партиясининг ҳам навбатдаги II Қурултойи бўлиб ўтди. Беш йиллик тарихга эга бўлган, ўн минг кишилик зиёлиларни бирлаштирган Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш партияси Қурултой якунларига бағишланган матбуот анжуманини ўтказган.

Унда Миллий тикланиш партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига етарли бўлган қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини йиғиш имконига эга бўлмаганлиги учун номзод кўрсатмаганлиги билдирилди. Қурултой иштирокчилари бу масалада Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш ҳақида якдил қарорга келганлиги таъкидланди.

Матбуот анжуманида қуйидаги маълумотлар партия томонидан эътироф этилди:

— Олий Мажлис депутатлигига 144 нафар номзод кўрсатилди;

— Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг 70 фоизини таълим тизими ходимлари ташкил этади;

— партиянинг сайловолди ҳаракат дастури ўзининг даврий босқичларининг аниқ белгиланганлиги билан бошқа партияларнинг сайловолди платформаларидан тубдан фарқ қилади.

Ф.КАРИМОВ

МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти, ТошДУ тарих факультети ҳамда ТЭАИ иқтисод факультети олимлари томонидан хайрли ишга қўл урилди. Республикамиздаги мактаб ва оммавий музейларнинг Ватанимиз тарихига, маданиятига оид манбаларини ўрганиш мақсадида илмий экспедиция тузилди. Тарих фанлари доктори В.Ҳусайнзода, илмий тадқиқотчи Ж.Ёқубов сингари фидойилардан ташкил топган гуруҳ шу ойда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлдилар. 8 босқичга бўлинган илмий-амалий экспедиция жойлардаги музей ишларини ташкил этилишида соҳа жонкуярларига услубий-амалий кўмак беришни ҳам мақсад қилиб олган. Ушбу гуруҳ фаолиятига доир маълумотларни кейинги сонларда чоп этишни режалаштирганмиз.

МУХБИРИМИЗ

O'zbekiston—Amerika

САМИМИЙ СУҲБАТ

Таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти - АКСЕЛС юртимизда 1992 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу вақт давомида бу ташкилот ҳамкорлигида 300 дан ортиқ ўғил-қизларимиз Америкада ҳаёт ва таълим тизими билан танишишга муяссар бўлдилар. Айни кунда бу юртда 50 нафар ўқувчимиз таълим олишни давом эттираётирлар. Албатта, у ерга бориб ўқиб келишнинг ўзи бўлмайди. Гап шундаки, АКСЕЛС ташкилоти вакиллари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлишиб, илм масканларида Халқ таълими вазирлиги ёрдамида ўқувчиларни тест синовидан ўтказадилар. Танловда ғолиб бўлиш энг иқтидорли ўғил-қизларгагина насиб этаётир.

АКСЕЛС Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда иккинчи дастур бўйича ҳам ишларни бошлаб юбордилар. Айтиш жоизки, дастлаб бу диёрда таълим олиш мактаб ўқувчилари ва талабаларга насиб этган эди. Эндиликда бу давлатнинг «Инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда аълочилик мукофоти» ўрта мактаблар ўқитувчилари учун мўлжалланган дастури бўйича республикамизнинг энг зўр инглиз тили муаллимлари ўз малакаларини ошириб, тажриба алмашиб қайтмоқдалар. Очиғи, Америка ҳукуматининг «Ўқитишда аълочилик дастури»нинг ўтган йилги танловида 240 нафардан зиёд ўрта мактаб муаллимлари қатнашишди. Энг зукко ва билимдон деб топилган 10 нафар ўқитувчи 1999 йилнинг ёзида Монтана Давлат университетида 7 ҳафталик малака ошириш дастурида иштирок этиб келдилар...

Яқинда АКСЕЛС ташкилоти янги бино (Тошкент ш. Конституция кўчаси, 68)га кўчиб ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, ХТВ умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев ва бошқа меҳмонлар ташриф буюришди. Шунингдек, у ерда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Марк Аскуино, АКСЕЛС ташкилоти директори Майкл Куртис, АҚШлик меҳмонлар — Ширли Бенсон, Жейм Спелеси, Волтер Урбаниклар ҳамда Америкада малака ошириб қайтган ўқитувчиларимиз ҳозир бўлдилар.

Самимий суҳбатга айланган тадбирда таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, дарс жараёнида янги материал ва ғояларни қўллаш, янги услублардан фойдаланиш, Тил марказларини ташкил этиш ва унда ўрганилган, шу билан бирга ўз ўқитиш тажрибаси ва билимини бошқа ҳамкасблари билан баҳам кўриш каби мавзуларда ҳам атрофлича сўз юритилди.

Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Шароф Рашидов номидаги лицей ўқитувчиси Матлуба Мадаминова эса йиғилганларга сафар таассуротларини гапириб берди. Муаллиманинг таъкидлашича, гўзал диёрда ўқувчиларни ўқитишда талай муваффақиятларга эришилган. Масалан, ўғил-қизлар билим олиш учун ўқитувчи атрофида гирдиттон бўлишади. Муаллим йўналиш беради, ўқувчи эса изланади...

Суҳбат якунида инглиз тили фани бўйича республика олимпиадасини АКСЕЛС ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказиш, ғолибларни Америкада ўқишга йўллаш таклифи билдирилди. Эндиликда мазкур йўналиш бўйича ҳам кенг кўламли дастур ишланади ва ҳаётга татбиқ этилади. Хуллас, таълим тизимида халқаро ҳамкорлик янада кенгаяди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

УСТОЗ ХАЗИНАСИ

Xotira

Ватан ва миллат эркхурриятининг фидойиларидан Шорасул Зуннун 100 йил муқаддам тошкентлик Зуннунбой оиласида дунёга келдилар. У кишининг отаси ўз замонасининг ақл-идрокли, саховатли ва маърифатпарвар бойларидан эди. Шу боис фарзандларини ҳам оқил ва фозил қилиб тарбиялаган. Тўнғич ўғиллари Шорасул беш ёшданоқ савод чиқарган, балоғат ёшида эса, домла, мулла сифатида обрў-эътибор қозонган.

20-йилларда Шорасул домла жадидлар ҳаракатининг фаол иштирокчиси ва тарғиботчиларидан бири эди. Ўша йиллардан бошлаб жадид мактабларида дарс бериб, ёшлар орасида зиё, маърифат тарқатди. Шорасул домла она-тили ва адабиётдан дарслик ва қўлланмалар яратган. Ойбекнинг рафиқаси Зарифа опа "Ойбегим менинг" хотира китобида Шорасул домланинг Ойбекка кўрсатган ғамхўрлиги ва мурувватини мамнуният билан ёдга олган. Китобда ёзилишича, Ойбек Ленинградда қийналиб, муҳтожликда ўқиб юрган кезларида, Шорасул Зуннун унга пул юборган экан. Мавлоно Ойбек Шорасул домланинг яхшиликларини ҳамиша эслаб юраркан.

Шорасул Зуннун, Ватан, миллат шайдоси бўлганлиги, миллий қадриятларимиз, бой тарихимиз ва маданиятимизни тарғиб ва ташвиқ этганлари учун халқ душмани сифатида қамоқларда, лагерларда азоб-уқубат чекди. 1956 йилдагина бутунлай оқланиб, ўз она Ватанига қайтди.

Шундан сўнг Шорасул домла янги илмий-ижодий ҳаётга қадам қўйиб, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида ишлай бошлади. Бу муқаддас ва мўътабар даргоҳда ўзи сингари мударрис, кекса домлалар билан илм-фан ривожи учун жон куйдирди. Араб ва туркий тилларни яхши билгани учун юзлаб қадимги қўлёзмаларни тадқиқ ва таҳлил этди.

Айниқса домла турк тилини яхши биларди. Институт хазинасида сақланган туркий тиллардаги қўлёзма нодир ва ноёб қўлёзма асарлар таржимаси у кишининг ижод маҳсулидир. Жумладан, машҳур турк адмирали Сейди Али Раиснинг "Миръотул мамолик" /" Мамлакатлар кўзгуси"/ китобини ўзбекчага таржима қилган эди.

Бу асарда Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё ҳақида ғоят ноёб маълумотлар жамланган. "Миръотул мамолик" Шорасул домла қўлига тушмагунча ўзбек шарқшунослигига номаълум эди. Домланинг кучғайратлари ва саъй-ҳаракатлари туфайли илм аҳли Сейди Али Раиснинг нодир асаридан баҳраманд бўлди. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Шорасул Зуннунга "босқинчи адмирални тарғиб ва ташвиқ қилди", деган дашном ва маломатларни ҳам эшитишга тўғри келди.

Шорасул домла биринчилардан бўлиб Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор Вали каби буюк уламоларнинг маърифий ва маънавий меросини ўрганиб, тадқиқ этди.

Домла узоқ йиллар давомида газета ва журналларда, айниқса, "Тошкент оқшоми"да маънавий гўзалликни, одамийликни ифодаловчи ҳикматлар, ҳикоят ва ривоятлардан бериб борди. "Оз-оз ўрганиб доно бўлур" рукни остида босилган Шорасул Зуннун лавҳаларини оқшомхонлар орзиқиб кутардилар. "Тошкент оқшоми" таҳририяти Шорасул домланинг бу хизматларини қадрлаб, у кишига "Шорасул Зуннун Оқшомий" деган фахрли тахаллус қўйган эди.

70 - 80 йилларда қатор нашриётлар Шорасул Зуннуннинг матбуотда нашр этилган барча асарларини жамлаб, бир неча китобларни босмадан чиқарди. Устознинг қаламига мансуб бўлган рисолалар, китоблар иймон, эътиқод, поклик, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва эзгу орзуларни тарғиб этувчи маънавий хазина бўлиб қолди.

Ф.АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ПРИНЦИПЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Бу саволга академик В.П.Беспальконинг жавоби қуйидагича: «Педагогик технология ҳар доим ҳар қандай ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида мавжуд, бироқ энг мақбул ўқитиш ва тарбиялаш технологиясини танлаш ва англаган ҳолда бошқариш педагогика фани ва мактаб амалиёти имкониятлари доирасидан четда қолаяпти».

Аслида ҳам мактаб (олий ўқув юрти) амалиётида ПТнинг моддий воситалари - китоблардан, техник жиҳозлардан ва ўқитиш методикаларидан қўпдан буён фойдаланиб келинади ёки олдиндан режалаштирилган таълим-тарбия жараёни ўқитувчи фаолияти орқали амалиётга жорий этиляпти. Шу билан биргаликда ПТ - бу қотиб қолган, сиқувга олинган, ялонғоч лойиҳа эмас, балки таълим ва тарбия самарадорлигини белгиловчи қатор омилларни баҳолаш имконини бера оладиган ижодкорлик, яратувчилик, фидоийлик фаолияти натижасидир.

ПТ принципларини аниқлашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинди: 1) мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади; 2) дидактик жараённинг объектив қонуниятлари; 3) таълим-тарбия жараёни амалга ошириладиган шарт-шароитлар.

Янги ПТларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тузилиши ва моҳияти жиҳатидан яхлитлик принципларига асосланади. Бу принцип технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимнинг барча элементлари ўзаро таъсир доирасида бўлишини ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олишни тақозо этади. Яъни, таълим мақсадининг қатъиян аниқланиши (нега ва нима учун?), ўқув жараёни мазмуни (нима?), ташкилий шакллари (қандай?), ўқитиш методлари ва воситаларини (нима ёрдамида?) саралаш ва танлашга кўмаклашиши, шунингдек, ўқитувчининг маҳорат даражасига боғлиқ ҳолда дидактик жараён самарасини аниқлашга имкон бериши керак.

Яхлитлик принципларидан бирини янгилаб ёки ўзгартириб, қолганларига тегмасликни, қайта қурмасликни инкор этади. Мисол учун, таълим мақсадини ўзгартириб, унинг мазмунини ёки ўқитиш жараёнини эскича қолдириш мумкин эмас. Нима учун бугунги кунда Республикамиз халқ таълими тизимида чуқур ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга оширилаяпти? Биринчидан, таълим-тарбия мақсади янгиланди — эркин фикрлайдиган фуқарони, баркамол инсонни, шахсини шакллантириш зарур. Иккинчидан, бу ижтимоий буюртма ўз навбатида, таълим мазмунини тубдан қайта қуришни — янги ўқув дастурлари ва дарсликларини яратишни келтириб чиқарди. Учинчидан, таълим-тарбиянинг янги мазмуни — ахборотларни ўқувчи(талаба)ларга маълум вақт чегарасида етказиш жараёнини тезлаштирувчи воситаларни талаб этади. Ана шу важдан янги педагогик ва ахборот технологияларини яратиш Президентимиз томонидан олимларимиз олдига вазифа қилиб қўйиляпти. Педагог бу муаммоларни тўғри англаб олиши ва таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндошишлари зарур.

ПТ мақсадли таълим -тарбия жараёнини тавсифлайди. Агар анъанавий педагогикада мақсад муаммосига назариячилар ва амалиётчилар кам эътибор қаратишган бўлса, ПТда бу марказий муаммо ҳисобланади ва унинг икки жиҳати амалда ажратилиб кўрсатилади: 1. Ташхисланадиган мақсадли таълим ва ўқув материалларини ўзлаштириш сифатини холис назорат қилиш ва баҳолаш. 2. Умумий ҳолда шахсни ривожлантириш.

ПТ ўқув-тарбиявий жараённи олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичда бу лойиҳани синфда амалга оширишни кўзда тутади. Шу боисдан ПТнинг муҳим принциплари - бу бўлажак ўқув тарбиявий жараённи олдиндан лойиҳалаш принципидир. Тўғрисини айтганда, ҳамма ҳам лойиҳа муаллифи бўлавермайди. Ўқитувчи бу шарафли ном — «педагог-технолог» соҳиби бўлиши учун дидактик масалалар ва уни ҳал этиш технологияларини лойиҳалаш қонуниятлари билан чуқурроқ танишган бўлиши керак. Бу эса, табиийки, ўқитувчидан ижодкор фаолиятни талаб этади. Лойиҳаланган технология дарс мавзуига ажратилган вақт доирасида жорий этилиши лозим. Ўқув вақти ПТни олдиндан қуришда муҳим кўрсаткич ҳисобланади ва ўқитувчи уни ҳисобга олиши шарт. Лойиҳаланаётган дидактик жараён синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларига мос келиши, ҳамма учун тушунарли бўлиши жуда муҳимдир. Шундагина якуний натижа қўлга киритилади.

Якуний натижанинг кафолатланиши ПТнинг яна бир муҳим принципларидир. Бу тушунча аслида нисбий характерга эга. Сабаби, тузилган технология амалга оширилгач, яхшими ёки ёмонми, ҳарқалай маълум натижалар бўлиши - ўқувчиларнинг ўқув материалларини турли даражада ўзлаштириб олишлари табиий. Бироқ бу ерда якуний натижа тасодифий ва паст кўрсаткичга эга бўлади. Гап ўқув — билиш фаолиятининг кейинги икки босқичи ҳақида кетяпти: назорат қилувчи ҳаракат (НҲ) дидактик жараённинг натижавий якунини аниқлаб беради ва тузатиш амали (Туз) ўқувчиларнинг паст ўзлаштиришига сабаб бўлаётган дидактик жараён хатоларини йўқотиш усулларини кўрсатади. Хўш, якуний натижа қайси сатҳда бўлиши керак?

Бу саволга ПТнинг жуда муҳим принципи — ўқитишнинг тугалланганлик принципи жавоб беради.

Ўқувчиларнинг тажрибаларини ўзлаштириш сифати ўзлаштириш коэффициенти (K_2=a/p) билан аниқланишини таъкидлаган эдик. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, агар K_2> 0,7 бўлса, ўқитиш жараёни якунига етган, тугалланган, деб ҳисобланади ва кейинги ўқув мавзуини ўрганишга киришиш мумкин. Агар, K_2< 0,7 бўлса, ўқувчилар билан янги мавзуни ўрганиш фақат «ўзлаштирмовчилар» сонини кўпайтиради. Шу ўринда қуйидаги ҳолатга алоҳида тўхталиш лозим. Мамлакатимиз ўқув юртларида ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифати — K_2> 0,55 бўлса, яъни ўқув материалинин 55 фоизини ўзлаштирса, «қониқарли» деб ҳисобланаяпти. Фикримизча, бу кўрсаткич таълим тизимини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичлари учун етарлидир. Сабаби узоқ йиллар давомида шаклланган эски таълим тизими собиқ совет педагогикаси инқирозга юз тутди ва мустақил Республикамизда миллий таълим модели яратилди. Унинг келажакдаги ижобий «портлаш эффекти» Юртбошимиз томонидан илмий асосланади. Ана шу «эффект» натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифати ҳам ошиб бораверади ва келажакда ривожланган давлатлар даражасига кўтарилади. Демак, K_2 - ўзгарувчан қиймат бўлиб, маълум бир давлатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларидаги туб ўзгаришларига боғлиқ.

Янги ПТнинг сифат кўрсаткичлари тўғрисида «Маърифат»да чоп этилган биринчи мақолада (қаранг: 1998 йил 24 июнь) гапирилган эди. Улар: замонавийлик, илмийлик, энг мақбуллик, ўқитувчи ва ўқувчининг дастурли фаолияти, ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланганлик даражаси, етарлича моддий - техникавий база. Бу ерда биз фақат битта ўқув-тарбиявий жараён натижаларини объектив назорат қилиш ва баҳолаш — ПТнинг ўз олдига қўйган натижавий мақсадига тўхталамиз.

Маълумки, жаҳон педагогикасида қабул қилинган икки назорат тури мавжуд: нохолис ва холис. Нохолис усулда билим ва кўникмаларни текшириш ўқув(талаба)чи олдига қўйилган саволга олинган жавобни эшитишдан ҳосил қилинган таассурот остида ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Ва ўқувчи жавоби ҳеч қандай ўлчов ва сифат мезони билан таққосланмайди.

1 2 3 4

Kollejlar hayotidan

ЁШЛАР — ЭРТАНГИ КУНИМИЗ

Учқўрғон иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи директори Раҳимжон Валижонов билан бўлган суҳбатимиз сўнгги йилларда барчанинг эътиборидаги масала — ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш ҳамда бунинг учун зарур бўладиган шарт-шароитлар хусусида бўлди.

— Бугунги кун, янги замон маънавият соҳасидаги ишларга эътиборни кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу жараёнда муаллимнинг ўрни қандай деб ҳисоблайсиз?

— Жамият маънавияти, жамият мафкураси, миллий онг, миллий ғоя, миллий ғурурни халқимиз, айниқса, ёшларимизга чуқур сингдириш, уларга сув ва ҳаводек заруратга айлантиришда муаллимларимизнинг ўрни, олиб бораётган изланишлари ва натижалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

— Коллежингиз ҳақида ҳам маълумот берсангиз?

— Коллежимиз 1974 йил 24 августда ташкил этилган бўлиб, дастлаб 3 мутахассислик бўйича: қурилишда режалаштириш, саноатда бухгалтерлик ҳисоби, ноозиқ-овқат товаршунослиги бўйича иш бошлаган. 1995 йилдан буён эса бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Учқўрғон иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи деб номланди. Ҳозирда юқоридаги мутахассисликлар қаторига 4 та мутахассислик қўшилиб, талабаларимиз ўзлари севган касблари бўйича таълим-тарбия олмоқдалар. Уларга жамоамизнинг 46 нафар тажрибали устозлари ҳамфикр ва ҳамустоздир. Коллежимиз ўқув хоналарининг сони 31 та бўлиб, улардан 14 таси замонавий техника воситалари билан тўла жиҳозланган. Лингофон, компьютер-ҳисоблаш маркази ўқувчиларнинг энг севимли ўқув хоналарига айланган.

— Мустақиллигимизнинг 8 йиллигини нишонладик. Ўтган саккиз йил мобайнида сиз ишлаётган масканда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

— Коллежимизда юксак маънавиятли, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни бўсағада турган XXI аср талабларига жавоб берадиган етук мутахассис этиб тарбиялаш йўлида катта миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Талабаларимиз ташаббуси билан табаррук саналар, буюк сиймоларимизнинг туғилган кунлари кенг нишонланиб келинмоқда. Радиотармоқ, ички телестудия ишлаб турибди. Булар орқали ахборот, янгиликлар, ҳар хил тадбирлар, эълонлар, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган турли мавзулардаги маърузалар, эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этиб борилмоқда.

Ҳозирда энг кўзга кўринарли ишларимиздан бири, коллежимиз интернет - жаҳон компьютер-ахборот тармоғига уланган бўлиб, янги ахборотларни олиш ва узатиш имкониятига эга. Ўқувчилар учун замонавий компьютерлар билан таъминланган 2 та синф фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув хоналарига айланган.

— Мустақиллигимизнинг 8 йиллигини нишонладик. Ўтган саккиз йил мобайнида сиз ишлаётган масканда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

— Коллежимизда юксак маънавиятли, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни бўсағада турган XXI аср талабларига жавоб берадиган етук мутахассис этиб тарбиялаш йўлида катта миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Талабаларимиз ташаббуси билан табаррук саналар, буюк сиймоларимизнинг туғилган кунлари кенг нишонланиб келинмоқда. Радиотармоқ, ички телестудия ишлаб турибди. Булар орқали ахборот, янгиликлар, ҳар хил тадбирлар, эълонлар, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган турли мавзулардаги маърузалар, эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этиб борилмоқда.

Ҳозирда энг кўзга кўринарли ишларимиздан бири, коллежимиз интернет - жаҳон компьютер-ахборот тармоғига уланган бўлиб, янги ахборотларни олиш ва узатиш имкониятига эга. Ўқувчилар учун замонавий компьютерлар билан таъминланган 2 та синф фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юртларига қабул бўйича ўтган йили 3 та ўқув режаси, 50 та дастур тайёрлаб берилди. Шунингдек, Москвадаги «Специалист» («Мутахассис») уюшмаси билан биргаликда 50 дан ортиқ дастур тайёрланди. Бу дастурлар республика ўқув юртларига тақдим этилди.

Коллежимизда ўз Низомига эга кўнгиллилар «Китоб» жамғармаси мавжуд. Ҳар ойда ўқувчилар билан келишган ҳолда 10 сўмдан пул йиғилиб, кутубхонамизга керакли китобларни сотиб олмоқдамиз. Ўтган ўқув йилида 0,5 млн. сўмлик, шу охирги 6 ой давомида 374 минг сўмлик китоб сотиб олдик. Эндиликда кутубхонамизни 20.000 дан зиёд китоблар ташкил этмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчиларимиз эрталаб дарс бошлашларидан олдин, албатта, Ҳадису шарифлардан ибратли ҳикоятлар, Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотлари, дунё янгиликларидан сўзлаб, кейин машғулотни бошлайдилар. Охирги дарсларида ҳам, албатта, йўл қоидалари эслаб ўтилади. Кўриниб турибдики, ўқувчиларимиз тарбияси фақат ижобий томонларга юз тутмоқда.

Бугунги кунда баъзи ёшларнинг мутолаадан йироқлашиб кетганлигини турлича изоҳлаш мумкин. Биз ёшларни катта мақсадларга, яхши анъаналарга жалб этиш имкониятларини топишимиз керак. Ахир, юртбошимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан қилган суҳбатида бу муаммолар доирасида тўхталиб: «Мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилотлар ва тўгараклар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик лозим» дея уқтириб ўтдилар-ку!

Яна шуни қувонч билан айтишим мумкинки, «Менежмент», «Менежмент асослари», бу йил «Кичик корхоналар ва тадбиркорликда бухгалтерия ҳисоби» китоблари камина ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари О.Қобулов ҳамкорлигида ёзилиб, нашрдан чиққани ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қўлланилмоқда.

— Ҳозирги ёшларнинг эртанги кунини қандай тасаввур этасиз? Уларнинг тақдирини ўйлаганда, кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангиздаги бу борадаги масъулиятни қандай англайсиз?

— Ёшларнинг тақдирини ўйлаганимда, ўқитувчи зиммасидаги вазифа шарафли, айни пайтда ўта масъулиятли эканлигини ҳис қиламан, чунки ўқитувчи келажагимиз ворисларини вояга етказади, демак, келажагимиз учун жавобгар шахс.

Дилбар ҲАЙДАРОВА суҳбатлашди.

ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Tahlil

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази директори, профессор Муҳсин Муҳиддиновнинг «1999 йил тест якунлари (таҳлилий материал)» китоби нашрдан чиқди. Унда 1999 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўтказилган тест натижаларининг таҳлилий материаллари баён қилиниб, республика ҳамда минтақалар бўйича таълимдаги тамойил ва устуворликларни ифодаловчи макрокўрсаткичлар динамикаси кўрсатилган. Асосийси, бу таҳлил олий ўқув юртлари, таълим йўналишлари бўйича асосий миқдорий кўрсаткичлар, танлов жадваллар ва гистограммалар кўринишида тақдим этилган бўлиб, улар юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг устувор жиҳатларини белгилашга ҳамда унинг ўсиш, ривожланиш тамойилларини кузатишга имкон яратади.

Китобда жами абитуриентлар (300000 дан ортиқ)нинг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ўртасида таълим йўналишлари бўйича миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ҳақида ҳам кенг миқёсли маълумотлар берилган. Қиёсий таҳлил вилоятларда таълим йўналишлари бўйича ўқишга кирган абитуриентларнинг тайёргарлик даражаси бир хил эмаслигини, уларнинг миқдорида номутаносиблик борлигини кўрсатмоқда...

Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларидаги ва ўрта махсус ўқув юртларидаги асосий тамойиллар, устуворликлар ҳамда абитуриентлар миқдорининг сифати ушбу китобнинг тегишли бобларида кўрсатиб ўтилган. Айни шунга ўхшаш кундузги бўлимлар учун ҳам танлов, умумий миқдорнинг сифат таркиби, тестдан ўтганлар ва ўқишга қабул қилинганларнинг умумий миқдорида қишлоқ ва шаҳар ёшларининг улуши кабиларнинг динамикаси қиёсий таҳлил қилинган, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари нуфузи аниқланган. Қисқаси, бу таҳлил ўқув жараёнини тубдан такомиллаштиришга, ўқитиш самарадорлигини оширишга, ўқувчиларнинг тайёргарлик сифатини яхшилашга, янги педагогик технологияларни, мукаммал дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишга ёрдам беради.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

(Боши 1-бетда)

Ўрта мактабларда «Инсон муҳофазаси асослари» дастури киритилиши билан биз ўз таклиф ва мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Ҳозирги кунда ҳаёт хавфсизлигини таъминлашдаги барча тадбирлар асосан тинчлик даврида фуқаролар муҳофазасига қаратилган. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим ўқув муассасаларига мўлжалланган ўқув режасининг 2-бандидаги «Фуқаро мудофааси» машғулоти номини «Фуқаро муҳофазаси»га алмаштириш, «Инсон муҳофазаси асослари» алоҳида фан сифатида ўқитилиши масаласини ва шу бандда кўрсатилган дарс соатлари миқдорини қайта кўриб чиқиш зарур. Ҳаёт хавфсизлиги масалаларини ўқитиш 1-4—синфларда махсус тайёргарликдан ўтган бошланғич синф ўқитувчиларига, 5-9—синфларда эса мутахассис ўқитувчиларга топширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрта мактаблар учун «Инсон муҳофазаси асослари» дастурини ва у бўйича машғулотлар ўтказишнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқиш ҳамда келажакда Фуқаро муҳофазаси институтида шу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунини бажариш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлиб, республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга тадбиқ қилишни таъминлайди.

Юқорида келтирилган ҳукумат қарорлари ва кўрсатмаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 сентябрдаги 426-102 сонли «Жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва Ички ишлар Бош бошқармаси ходимларининг қўшма йиғилиши қабул қилган 1999 йил 17 сентябрдаги қарорига асосланиб, таълим муассасаларида осойишталик, барқарорликни сақлаш, ўқувчи ва тарбияланувчи ёшларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Чилонзор тумани Одил Қаюмов номидаги 131-ўрта мактаб ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилди. Шу асосда ўрта мактабларда «Инсон муҳофазаси асослари» фанини ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиш борасида тадбирлар ўтказилмоқда.

И.ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи,
З.ИЛЯСОВА,
сектор мудири,
Н.МАМАРАСУЛОВА,
131-мактаб директори

Тошкент шаҳридаги 342-болалар боғчасида кичик ҳайвонот боғи ҳамда ёввойи ўсимликлар ва гуллар бурчаги ташкил этилган. Бу ўз навбатида, болаларда табиатга, атроф-муҳитга нисбатан тўғри муносабатда бўлишни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Суратларда: 1. Тарбиячи Шоиста Қорабоева болаларга гул парвариши ҳақида гапириб бераяпти. 2. Дилдора Айдарова қуёнларни озиқлантиришга болаларни ўргатмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИДА СЎЗ БОЙЛИГИ

М

Марол — келишган, кийик
Мозорот — мазорлар
Мина — мана шу, ана шу
Мурти — мўйлов
Мазил — жойлар
Моя — она
Мундайғачоқ — шунақанги
Мужмалтаб — мавҳумроқ
Муғойиб — мунғайиб
Муғум — мажусий, майфуруш
Муножотим — ўтинчим
Мунглуқ — мунгли, дардли
Маҳтал — кутиб қолган, зориққан
Мусаллам — насиб этмоқ
Моҳи анвар — порлоқ ой, нурли ой
Мингзадим — ўхшатдим
Мини — камчилиги

Н

Назруниёзимизни — садақамизни
Наза — менсимаслик
Новбос — новвос, ҳўкиз
Нармода — хунаса
Нимиш — нима иш
Наркас — наргиз
Наза қилмай — хафа қилмай, кўнглини қолдирмай
Нўкар — навкар
Назаркарда — валийлар назарига тушган, дуо кетган

О

Обло — оллоҳ, худо
Обкеб — олиб келиб
Овурдир — оғирдир
Ойнинг гирдин — ойнинг атрофи
Олақароқ — безовтароқ
Оси — осий, гуноҳкор

П

Паймона — қадаҳ, пиёла
Параққос бойлаб — чарх айланиб
Пуштан — эгар
Паём — охири
Пайровинда — иноқликда, яқинликда

Р

Равза — жаннат, боғ, қабр
Расми қовда — расм-русм, урф-одат
Рухунати — илоҳий илм соҳиби
Райиш — хоҳиши, истаги
Равиши — юриши

С

Сатта — нуқул
Сулаб — сулайиб
Сова — қимиз солинадиган идиш
Сулатай — сулайтирай
Сандираб ўламизми — сарсон бўлиб ўламизми
Субҳи содиқ — тонг отар пайти
Сабил — йўқолган, савил, увол қолган
Сендайғачоқ — сендақанги
Синчи — зийрак, билагон (олам танийдиган киши)
Сайис — отбоқар
Соригарлик — — созловчи
Софи — муқаддас пойи
Саркашлаб — бошлаб
Селдаланг аймоқ — шатолоқ отмоқ

Т

Тайрилдинг — тойиб кетдинг
Тиллари гачча — тиллари бийрон
Таад қилса — тараддуд қилса
Тўбичоқ — ёш от, тойчоқ
Тар хина — хўл ўт, хўл хина
Табла — отхона
Тарз аҳмоқ — ғирт аҳмоқ
Таркашдан — тирқишдан
Турбат — қабр
Толиб — талабгор
Туяман — туя билан
Тайпанглаб — лапанглаб
Таҳъатли — юзли
Тўбишқон — қуён
Тайрилма — тойиб кетма
Табассумман — табассум билан
Тарзинг — вужудинг
Туғдорлар — байроқдорлар
Товиб—топиб
Тангқа — танга
Тутаси — уй бекаси
Тўр от — тўриқ от
Тими—томи — уй-жойи

Мамлакат ЛАТИПОВА

Боши газетамизнинг 20 октябрь сонида

(Давоми бор)

Мисол учун, имтиҳон саволларига оғзаки жавоб беришни баҳолаш ёки ёзма ишларни текшириш нохолис назоратдир, сабаби баҳолаш сифатининг объективлигига қўйилган талаблар олдиндан шакллантирилган ўлчов билан солиштирилмайди.

Билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг холис усулида ўқитувчи ўз ҳукмини ўқувчининг жавоби(амалий ҳаракати)ни белгиланган таълим мақсадига мос ҳолда маълум усуллар ёрдамида аниқланган сифат мезонларини акс эттирувчи ўлчовлар билан солиштиради.

Нохолис назорат қилишда нафақат мулоҳазалаш ва баҳолаш аниқлиги йўқолади, балки булажак мутахассис шахсини шакллантиришда тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйиш мумкин. Мисол учун ўқитувчи баҳога нисбатан нигилистик (баҳонинг тўғри қўйилганини инкор этиш) ёндошишни юзага келтириб чиқариши мумкин. Афсуски, қатор йиллар давомида биз ўқувчилар билимини нохолис усулда назорат қилиб келдик. Бу эса, табиийки, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳар доим ҳам ижобий муносабатларни шакллантиришга кафил бўла олмади.

Тест холис назорат усули бўлиб, бугун амалиётда кенг қўлланиляпти. Тест (инглизча - синаш) - бу бирор-бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир. Тестнинг тўғри бажарилганлигини улчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бирига эксперт методи ёрдамида эталон ишлаб чиқилади. Уз эталонига эга бўлмаган ҳар қандай тест, одатдагидек, бажарилиш сифати ҳақида нохолис мулоҳаза юритиш эвазига хулоса чиқарувчи назорат топшириғига айланиб қолади. Шу боисдан тестни қуйидагича рамзий формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

Тест(Т) = Топшириқ (Тш) + Эталон (Э) ёки

Т = Тш + Э

Тестга қатор педагогик талаблар қўйилиши (мослик, оддийлик, аниқлик, муайянлик) бугун кўпчиликка маълум.

Ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнини холислаштириш мақсадида тест топшириқлари юқорида тилга олинган талаблар асосида табақалаштирилади. Фақат шу йўл билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Табақалаштиришда ҳар бир ўқувчининг фан бўйича ўзлаштириш даражаси турт синфга бўлинган ва шунга мос ҳолда тест топшириқлари ҳам қуйидагича табақалаштирилди:

1-даражали тест - номаҳсулдор фаолиятни ифодалайди.

2-даражали тест - алгоритмик фаолият;

3-даражали тест - маҳсулдор эврестик фаолият;

4-даражали тест - маҳсулдор ижодий фаолият билан тавсифланади.

Топшириқларни дифференциялашда бир неча кўрсаткичлар эътиборга олиниши керак. Жумладан, топшириқ ҳажми (чизманинг, математик ҳисоблашнинг салмоғи, саволлар сони ва ҳоказо.); уни бажариш учун фикрлаш фаолиятининг тури (олдиндан маълум бўлган маълумотларни қайтариш, одатдаги шароитда билимларни қўллаш, ўқув муаммосини ечишнинг янги усулини топиш ёки қўшимча адабиётлардан янги маълумотларни олиш); дастурлаштирилган жавобларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги.

Дастлабки икки гуруҳ тести шу билан фарқланадики, топшириқларни бажариш учун номаҳсулдор фаолият талаб этилади, холос. Учинчи ва тўртинчи синф тестларини ечиш учун эса ижодий характерга эга бўлган фикрлаш фаолиятини, яъни ижодкорликни намоён қилиш зарур. Бундан ташқари, биринчи ва иккинчи даражали тест топшириқлари мураккаблиги жиҳатидан кам фарқланадиган масалалардан иборат бўлиши мумкин.

Ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолашда автоматлаштирилган назорат воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ПТ шуғулланиши лозим бўлган йўналишдир. Гап шундаки, компьютер мониторингига табақалаштирилган тестларни навбатма-навбат жойлаштириш керак. Агар биринчи даражали тестни ўқувчи бажарса, ўз-ўзидан автоматик тарзда иккинчи даражали тест компьютер мониторингида пайдо бўлиши лозим ва ҳоказо. Биринчи даражали тестни еча олмаган ўқувчидан ҳеч қачон иккинчи ёки учинчи даражали тестни ечишни талаб қилиб бўлмайди. Афсуски, ҳозирги кунда бу қоидага риоя қилинмаяпти ва топшириқлар табақалаштирилмасдан компьютерга киритилаяпти. Натижада ўқувчига сунъий ҳолда қийинчилик туғдираяпмиз. Ўқувчи тестни ўқиши билан дарҳол қайси фаолиятни бажариш зарурлигини, қандай билимларни намойиш қилиш чегарасини чуқур англаб ололмаяпти. Бир фаолият туридан зудлик билан учинчи фаолият турига сакраш, аксинча, тўртинчи ёки учинчи фаолият туридан биринчисига қайтиш каби сунъий «сакрашлар» ўқувчилар билимини намойиш қилишда, ва ниҳоят, баҳолашда салбий ҳолатларни келтириб чиқараяпти. Яхшиси, тестларни таклиф этишда ўқувчилар фаолиятини тааллуқли бўлмаган саволлар билан чалғитиш ва мураккаблаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Уларга оддийлик талабига жавоб бера оладиган кетма-кет тестлар таклиф этилгани маъқул.

Шундай қилиб, юқорида биз ПТнинг асосий принципларини ёритишга ҳаракат қилдик. Бу принциплар биринчи галда, ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда қуришга йўналтирилгандир.

Нурали САЙИДАҲМЕДОВ,
Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ педагогика назарияси ва тарихи бўлимининг бош мутахассиси,
Абдураҳмон ОЧИЛОВ,
Иштихон туманидаги 24-мактаб директори

Tadbir

ТИЛ БАЙРАМИ - ДИЛ БАЙРАМИ

Айни кунларда илм масканларида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 10 йиллигига бағишланган тантаналар, тадбирлар давом этмоқда. Айтиш жоизки, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгач, русийзабон мактабларда ҳам тилимизни ўрганишга қизиқиш анча ошди. Масалан, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 31-мактабда ҳам «Тилга эътибор - элга эътибор» мавзуидаги тадбир ҳар қачонгидан зўр ва қизиқарли ўтди.

Мактаб фойеси «Октябрь - Тил байрами ойлиги»га мос қилиб безатилди. Деворларга эса «Тилни билган - элни билар», «Тил бойлиги - эл бойлиги» каби шиорлар янги алифбода ёзиб қўйилди.

Дарвоқе, мактабнинг навбатчи синф ўқувчилари ҳар куни ҳамма-ҳаммани эшик олдида қўлларини кўксиларига қўйиб: «Ассолому алайкум» деб кутиб олишади. Биз буни ушбу тадбирда иштирок этган куни ҳам қалбдан ҳис этдик.

Байрамга ташриф буюрган туман ХТБ ходимлари, маҳалла фаоллари, отаоналар ўқувчиларнинг чиқишларини ижобий баҳоладилар. Корейс миллатига мансуб ўқувчилар Наташа Юн, Юлия Ким ва Слава Юнлар саҳнада ўзбек тилида ашула ижро этишиб, ҳаммани ҳайратда қолдирдилар. Бу тадбирларни тайёрлашда мактабнинг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича раҳбар муовини Нурия Семмари ва ўзбек тили фани ўқитувчиси Муборак Иззатуллаевалларнинг ҳиссалари жуда катта бўлди.

Марям САИДМУРОТОВА

* * *

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 10 йиллигига бағишланган байрам кечаси Ҳамза туманидаги 166-мактабда ҳам ўтказилди. Унда русийзабон ўқувчилар ижро этган «Шолғом» спектакли ҳамда қўшиқлар йиғилганлар қалбини ром этди. Ўерга ташриф буюрганлар ўзбек тилининг жозибасини, сеҳрини, фусункорлигини янада чуқурроқ англаб етдилар десак, янглишмаган бўламиз.

Клара АЗИМОВА

ОСИЁ БОКСЧИЛАРИГА ОМАД ЁР БЎЛСИН

.Тошкентда, «Юнусобод» спорт мажмуида бокс бўйича XX Осиё чемпионатининг очилиш маросими бўлди. Ушбу чемпионатда 20 та мамлакатдан энг кучли боксчилар иштирок этмоқдалар.

Чемпионатнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов сўзга чиқди: «Дунёнинг турли бурчакларидан мамлакатимизга келган спорт делегацияларига қараб мен фахр билан шуни хаёлимдан кечирдимки, бизнинг меҳмондўст халқимиз ўз ерида Осиёнинг бокс бўйича XX чемпионатидек нуфузли анжуманни ўтказмоқда, - деди у. - Яқин-яқинларгача бу ҳақда фақат орзу қилишимиз мумкин эди».

Бугун эса Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганлиги, мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати аҳолини соғломлаштириш масалаларига, уларни спортга фаол жалб этишга аҳамият бераётгани туфайли ўзбекистонликлар нафақат спорт билан шуғулланмоқдалар, балки Осиёнинг энг кучли боксчилари тўпланган бугунги анжуман каби спорт байрамини ўтказиб, жаҳон аҳлини хурсанд қилишлари мумкин.

Халқаро бокс ассоциацияси президенти, профессор Анвар Чаудри турнир иштирокчилари ҳузурида сўзга чиқиб, нутқини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга миннатдорлик билдириш билан бошлади.

- Ўзбекистон Президентининг оталарча ғамхўрлиги туфайли ўзбекистонлик спортчилар сўнгги йилларда дунёни ўзларининг муваффақиятлари билан ҳайратга соляптилар, - деди у. - Ўзбекистон боксчилари 130 та олтин, 70 та кумуш ва 60 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Юнусобод спорт мажмуи мамлакатингизда спортчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол далилидир. Бу ерда спортнинг кўп турлари бўйича энг юқори даражадаги мусобақалар ўтказилиши мумкин.

Нутқининг якунида Анвар Чаудри Ўзбекистон Президенти ва ўзбекистонлик бокс мухлисларини ишонтириб айтдики, Ўзбекистоннинг нафақат Осиё минтақасида, балки бутун дунёда бокс тараққиётига қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолаётган халқаро бокс ассоциацияси Ўзбекистонда боксни ривожлантиришга бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашаверади.

Анвар Чаудри Боксни ривожлантиришдаги улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Халқаро бокс ассоциацияси номидан махсус Кубок топширди.

Чемпионатни очиш маросимида, шунингдек, мамлакатимизнинг энг яхши боксчиларини - бокс бўйича биринчи жаҳон чемпиони Руфат Рисқиевни, жаҳон чемпионлари Тўлқин Турғунов, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Ўткир Ҳайдаровларни, профессионал боксчилар орасида тўққиз марта жаҳон чемпиони Артур Григорянни қутлашди.

(ЎзА)



Кузги манзара

АЖОЙИБ ТАДБИР

Пойтахтимиздаги Республика мусиқачилар мактаб-интернатида карнай-сурнай ва ноғора садолари мураббийлар, барча ўқувчилар ва меҳмонларни анъанавий байрамга чорлади.

«Олам айтар, она тили ҳеч ўлмайди» деб номланган байрам дастурини мактаб-интернат директори Машҳура Каримова қисқача кириш сўзи билан очди.

Юртимиз алломалари — Алишер Навоий, Бобур, Амир Темур қиёфаларида намоён бўлган юқори синф ўқувчилари уларнинг ўзбек тили ҳақидаги гўзал шеър ва ибораларини маромига етказиб ижро этишди. Мактабда ташкил этилган Леонид Иксар раҳбарлигидаги «Азиз» гуруҳи хонанда ва созандалари байрамга файз киритишди.

—Бизда бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади,- дейди мактаб раҳбари М.Каримова.- Агар эътибор берган бўлсангиз ўқувчиларимиз фақат ўғил болалар. Бинобарин, бу анчайин мураккабликлар туғдиради. Лекин ўқувчиларимиз ниҳоятда уюшқоқ, аҳил, одобли. Бунда, албатта, уларнинг устоз ва мураббийларининг роли ниҳоятда катта. Бугунги тадбирда эса устозлардан Дилором Фармонова, тарбиячилардан Анора Шодмоновларнинг хизматлари яққол сезилди.

Г.УМАРОВА

ТИЛ БИЛГАН ЮТАДИ

ТошДУнинг хорижий филология факультетида чет тилли талабалар учун рус ва ўзбек тилини ўргатиш кафедраси томонидан ташкил қилинган «Менинг шаҳрим» деб номланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Талабалар анжуманнинг фаол иштирокчисига айланишди.

Уларнинг фикрларидан, сўзлаган нутқларидан ўзбек тилини ўрганишга нақадар чанқоқ эканлиги, Ўзбекистоннинг тарихини билишга қизиққанлиги сезилиб турди. Жанубий кореялик Юн Чан Ко «Темур ҳукмдорлиги даврида Самарқанд», Пин Су Дхен «Биз ўқиётган ТошДУ», даниялик талабалар Сессиль, Сьюзонлар «Тошкент — дўстлик шаҳри», Ким Санг Сен «Бухоро шаҳри», Тен Ён Генг «Хоразм — қадимий шаҳар», японялик талаба Суочи Такахаси «Токио — она шаҳрим» деб номланган мавзуларда маърузалар қилишди.

Талабалар ўртасида «Ўзбекистон ҳақида нималар биласиз?» деб номланган баҳс-мунозара бошланди.

Дарвоқе, талабалар инглиз, немис, рус, япон, ҳинд, корейс, яъни уз она тилларидан ташқари, ўзбек тилини ҳам ўрганишмоқда. Ўзбекона тавозе-лутфни сўзлар билан ўйғунлаштира олишларига барча қойил қолди.

—Ўзбекистонда ўқиётганингиздан хурсандмисиз? - сўрадим токиолик талаба Суочи Такахасидан.

—Албатта, менга ТошДУ устозлари манзур бўлди. Қўлимни кўксимга қўйиб, тил ўргатаётган устозларимга ташаккур билдираман,- дея саволимга миннатдорлик билан жавоб қайтарди японялик талаба.

Дарҳақиқат, дўстлик риштасини боғлашда тил билишнинг аҳамияти катта. Буни университетнинг малакали ўқитувчиларидан тортиб хорижий талабалар ҳам англаб етадилар. Зеро, тил билган ютади.

Зарбуви АЛҚАРОВА

ЎЙНАБ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРДИК

Жисмоний тарбия ва спортнинг, хусусан, футболнинг ривожланиши, уни инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши учун республикамизда қилинаётган саъй-ҳаракатлар барчамизга аён. Бугунгача футболни оммалаштириш борасида кўп ва хўб гапирилди. Имкон қадар амалий ишларга ҳам киришилди. Ана шу амалий ишлар халқ таълими тизимида янада яққол кўзга ташланади. Ўтган сонда республика футбол мактаб-интернатлари ўртасида ўтказилган футбол турнирининг якунловчи босқичи ҳақида хабар берган эдик. Бу гал Халқ таълими вазирлигининг буйруғига асосан вазирлик тасарруфидаги республика корхона ва ташкилотлари ўртасида ўтказилган «кичик футбол» бўйича биринчилик мусобақалари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

21-22 октябрь кунлари пойтахтдаги 110-умумтаълим мактаби спорт мажмуасида ушбу беллашувлар бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳомийлигида уюштирилган мусобақалар икки гуруҳда олиб борилди. Гуруҳлардаги учрашувлар натижаларига кўра совринли ўринлар учун курашувчи жамоалар аниқланди.

1-ўрин учун «Ёшлик» кўнгиллилар спорт жамияти ҳамда Республика ўсмирлар спорт маҳорати олий мактаби жамоалари куч синашди. 2:1 ҳисобида устунликка эришган «Ёшлик» футболчилари мусобақа ғолиби бўлди.

3-ўрин учун А.Авлоний номидаги Республика ХТХМОМИ ва «Маърифат» газетаси жамоалари майдонга тушдилар. Беллашувда малака ошириш марказий институти ўйинчиларига омад кулиб боққанлиги боис, севимли газетангиз футболчилари 4-ўрин билан кифояландилар.

Икки кун давом этган ажойиб футбол спектакллари ниҳоясида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев, ғолиб жамоаларга ва турнирда фаол иштирок этган ўйинчиларга халқ таълими вазирлигининг диплом ва эсталик совғаларини топширди.

Маросимда халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мусобақа иштирокчиларига мурожаат этиб, жумладан шундай деди: «Спорт — навқиронлик гарови. Ҳар соҳада жисмоний баркамоллик муҳим эҳтиёж сифатида қадрланади. Бугунги биринчиликда иштирок этган, тизимимиздаги республика корхона ва ташкилотларининг мана шундай тадбирларини вилоят, туман ва шаҳарлардаги тармоқларимизга шахсий ибрат, бевосита намуна деб баҳолайман».

Мана шундай хайрли тадбирда Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги ПФИТИ, Республика ўқувчи ёшлар маркази, А.Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи ҳамда Республика мусиқа тарбияланувчилари интернати жамоалари ҳам иштирок этганларида турнир яна ҳам жозибалироқ бўлар эди.

Қолаверса, асосий иш вақти аҳлий меҳнат билан ўтадиган соҳа хизматчиларининг жисмоний машғулотларда иштирок этиб туриши иш унумдорлигига, саломатликка ижобий таъсир этиши шубҳасиздир. Таъкидлаш жоизки, келаси йилдан бошлаб Наврўз байрамига бағишланган, халқ таълими тизимидаги республика ташкилотлари ўртасида доимий спартакиада ўтказиб бериш ҳам режалаштирилди. Спартакиада футбол, волейбол, шахмат-шашка ва стол тенниси каби спорт турларини ўз ичига олиб, унда эркаклар ва аёллар жамоалари иштирокини таъминлаш кўзда тутилган.

Мақоламиз сўнгида, футбол беллашувларининг қизиқарли ўтишига шароит яратиб берган пойтахтимиздаги 110-умутаълим мактаби жамоасига миннатдорчилик билдириб ўтишни лозим деб билдик.

Ф.КАРИМОВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири

Xullas...

ЎРГАНГАН КЎНГИЛНИНГ ЎРТАНИШИ

Урганган кунгил ўртанса қўймас.

«Утириб» чиққан 39 ёшлик Челябинск фуқаросининг «ишқи» қўшнисининг итига тушиб қолди. Немис овчаркасининг наслидан бўлган беш ойлик кучукча ётса ҳам, турса ҳам кўз ўнгидан кетмасди. Жониворни эгасига сездирмай тутиб олгач, азоб бериб, терисини шилди. Гўштини кечки овқатга асраб, яшириб қўйди. Азамат итнинг гўштини ҳам бир татиб кўрмоқчи бўлган эди-да...

Лекин милиция ит эгасининг тахминларига мувофиқ, собиқ маҳбуснинг уйига кириб келганида, унинг ўзини оқлаш учун қилган ҳаракатлари бесамар кетди. Чунки кроват тагида бечора итнинг гўшти турарди.

Россия Жиноят Кодексининг маълум моддасига мувофиқ, итни қийнаб ўлдирган бу шахс 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Аслида бунинг учун жарима билан «қутулиб» кетиш мумкин эди. Афсуски, у илгари қотиллик, босқинчилик, гиёҳвандлик олди-сотдиси билан қамоқхонанинг «маза»сини татиб кўрган.

Бир қилганнинг одат қилишига ишонмай кўринг-чи?!

ПЕЙДЖЕРГА НОЗ ҚИЛИШМОҚДА

Йил охиригача барча петербурглик участка милиция ходимларини шахсий пейджер билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. ГУВД (шаҳар ички ишлар бошқармаси) штаб бошлиғи А.Серовнинг айтишича, пейджерларга 120 минг америка доллари сарфланади. Ҳомийлар бу маблағни беришга рози. Уз пунктларида дурустроқ автомат телефонга эга бўлмаган милиция ходимлари эса пейджерга ноз қилишмоқда. «Қўл телефони берса бўлмасмикан? Пейджерларнинг даҳмазаси кўп», дейишмоқда улар.

Пейджер қўлга тегмай туриб, ноз қилишганини қаранг-а?

НОМГА МУНОСИБ БЎЛАРМИКАН?

Буюкларнинг исми билан фарзандларга исм қўйиш ҳодисаси Санкт-Петербург гўдаклар саройида ҳам кузатилди. Асли Уганда фуқароси бўлган Сирила ва Ирмалар оиласида дунёга келган гўдакнинг исмини қандай аташ керак? Ахир «Чиройли исм инсонга ҳусн» дейдилар.

Болага исмни аллақачон ота-онаси қўйиб қўйишган экан: Пушкин. Сарой ходимлари ажабланишгани йўқ. Гўдак гувоҳномасига чиройли қилиб, «Пушкин Дусунмукенде» деб ёзиб қўйишди.

Дарвоқе, бу 1999 йил 6 июнда туғилган Пушкин келажакда буюк шоир номига муносиб бўлармикан, деган орзу эр-хотиннинг кўнглини банд этиб олди.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

САРАЛАР АНИҚЛАНАЯПТИ

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида ўтказилаётган Бокс бўйича XX Осиё чемпионатининг саралаш босқичлари бўлиб ўтмоқда. 26 октябргача 15 та учрашув ўтказилиб, беш нафар боксчимиз мусобақаларни давом эттириш имкониятига эга бўлди.

САВДОГАРЛАР КОРТГА ТУШДИ

Жиззахнинг «Истиқлол» теннис кортида «Жиззахсавдо» акциядорлик компанияси тизими бўйича теннис мусобақаси ўтказилди. Мусобақада «Бақоллик» ҳиссадорлик жамияти дўкон мудири Абдуқаҳҳор Абдураимов биринчи ўринни қўлга киритди.

КЕТМА-КЕТ ТЎРТ БОР

Футбол бўйича Россия чемпионатининг бу йилги чемпиони муддатидан олдин аниқланди. Шанба куни Москва «Спартак»чилари «Динамо» жамоасига қарши майдонга тушиб 1:1 ҳисоб билан кутилган натижага эришди. «Спартак» тарихида 7 бор, кетма-кет 4 бора Россия чемпиони сифатида эътироф этилди.

БОШ СОВРИН ЎЗИМИЗДА

Термизда кураш бўйича «Президент соврини» учун ўтказилган иккинчи халқаро турнир якунланди. Финал босқичида ҳамюртимиз Тоштемир полвон польшалик Павел Малаванецни маҳв этиб, бош совринни қўлга киритди. Ғолибларга «Nexia», «Tiko», «Damas» автомашиналари топширилди.

ЧЕМПИОНЛИККА ЯҚИН

Олий лига жамоалари ўртасидаги футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати XXVIII тур ўйинлари ўтказилгач, турнир жадвалининг юқори ва қуйи қисмларида кескин вазият сақланиб қолди. Пешқадам жамоа «Дўстлик»нинг «Суғдиёна» билан 5:5 натижаси иккинчи ўринда бораётган «Нефтчи» учун яна бир имконият бўлиши мумкин.

ЧЕМПИОННИ ҲАЯЖОНЛАНТИРГАН ҚЎШИҚ

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 17-касб-ҳунар мактабида байрам.

Шу мактаб талабаси Фазлиддин Сопиев бу йил Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтказилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги каратэ бўйича ёпиқ жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб қайтди.

Мактаб талабаси жаҳон чемпиони! Фахрланишга арзийдиган ҳодиса.

Чемпионни «Пан Тоға» гуруҳи учрашувга таклиф этди. Шу гуруҳ ижодкорлари «Таянч» деб номланган талабалар қўшиғини қўйиб берди. Соъмеликда ҳам Фазлиддин Сопиев биринчилардан бўлди. Негаки, бу қўшиқни студиядан ҳозиргина олиб келинганлиги сабабли мактаб ўқувчиларидан ҳали ҳеч ким эшитмаган эди.

Фазлиддин қўшиқни чемпионларга хос виқор билан тинглади.

Ёрқин нурли тонглар отар,
Тонгни икки сўз уйғотар.
Бир шербилак ва бир дилбар —
Икки қоракўз уйғотар.

Қўшиқнинг шу нақоратини эшитган чемпионнинг кўзлари яшнаб кетди.

—Ҳа, ҳақиқий мадҳия бўлибди. Талабалар мадҳияси! - деб юборди чемпион қўшиқ сўнгида.

Унинг бу ҳаяжони даврадаги бошқа тингловчиларга ҳам юқди.

Каратэ бўйича ўсмирлар орасидаги жаҳон чемпиони ўқиётган мактаб қошида ташкил топган «Пан Тоға» гуруҳи томонидан яратилган ёшлар қўшиғини Фазлиддин «... Талабалар мадҳияси!» дея эътироф этди.

Қуйида шу қўшиқ матнини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Сиз нима дейсиз?

Ч.БАРАКАЕВ,
журналист

ТАЯНЧ

Элда умид уйғонадир,
Истиқлолнинг шамоли бу.
Ёш кўнгиллар тўлғонадир,
Эртанги кун камоли бу.

Ёрқин нурли тонглар отар,
Тонгни икки сўз уйғотар.
Бир шербилак ва бир дилбар —
Икки қоракўз уйғотар.

Истиқболнинг пойдевори
Мустаҳкам бўлмоғи учун
Юртнинг таянч, мададкори —
Ёшлар сарф айлайдир кучин.

Аждодларми тутар кўзгу,
Авлодлар қилар тантана —
Академик лицейлару
Ҳунар коллежлари мана.

Ватан - улуғ бир оила,
Унда даврон сурармиз биз.
Шижоатли ёшлар билан,
Янги замон қурармиз биз...

Академик лицейлару
Касб-ҳунар коллежлари...

Мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 1999 йил ноябрь ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди:

1. Мактабгача таълим муассасалари мудиралари – 01. XI. – 27. XI.

2. Мактабгача таълим муассасалари услубчилари – 01. XI. – 27.XI

3. ВМОИ кабинет мудирлари – 15. XI. – 27. XI.

4. Мусиқа раҳбарлари – 15. XI. – 27. XI.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз:
Тошкент ш. Собир Раҳимов тумани Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6 - уй.

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1999 йилнинг ноябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирди:

1.	ВПХМОИларнинг илмий-методик ишлари бўйича проректорлари курси (Самарқандда)	22-27 ноябрь
2.	Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўйича)	1-27 ноябрь
3.	Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги тарих бўйича)	1-27 ноябрь
4.	Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги химия, биология бўйича)	1-27 ноябрь
5.	Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги география бўйича)	1-27 ноябрь
6.	Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги физика бўйича)	1-27 ноябрь
7.	Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги математика ва информатика бўйича)	1-27 ноябрь
8.	Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги рус тили ва хорижий тиллар бўйича)	1-27 ноябрь
9.	Туман (шаҳар) ХТБ мудир муовинлари	1-13 ноябрь
10.	Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари	15-27 ноябрь
11.	Спорт мактаби директорлари	1-27 ноябрь
12.	Мактабдан ташқари таълим муассаса мажмуаларининг (БЎИМ) директор ўринбосарлари	15-27 ноябрь
13.	ЧЕТ раҳбарлари	1-13 ноябрь
14.	Бошланғич синфларда янги информацион технологиялардан фойдаланиш бўйича курс	15-27 ноябрь
15.	Кўзи ожиз болалар мактаб-интернатларининг бошланғич синф ўқувчилари	1-27 ноябрь

Барча курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Манзилимиз: Тошкент - 95. Талабалар шаҳарчаси. Саидов кўчаси, 6-уй.
Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Нурлан УСМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0821. Тиражи 23762.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00.